

ЎЗБЕКИСТОН МАТБУОТИ

Ислом КАРИМОВ:

*Бу йилги
Наврӯз
истиқлолимиз,
мустақиллигимизнинг
ўн бешинчи
Наврӯзиdir.*

*Бу йилги
Наврӯз
ҳаётимизнинг
барча жабҳаларида,
иқтисодиётишимиз
соҳа ва
тармоқларида
янгиланиш,
ўсиш ва юксалиш
Наврӯзиdir.*

*Ўлқамизда
Жаъғору
кеҳзар...*



2006 · 1



Бокий мерос



29-бет:

Ани
назм
этки,
тархинг
тоза
бўлгай...

32-бет:

Куйга
кўчган
шеъриятнинг
беназир
тадқиқотчиси

34-35-бет:

Иш
анкетасини
яратган
олимнинг
жасорати

Сўз саройига сайд

Алишер Навоий, "Мажолис ун-нафоис"

Мавлоно Лутфий ўз замонининг маликул-каломи эрди, форсий ва туркийда назири йўқ эди. Аммо туркийда шуҳрати кўпрак эрди ва туркча девони ҳам машҳурдур ва мутаассизул жавоб матлаълари бор.

... Яна бири буким:

*Сайд этти дилбарим мени бошуфта сочтин,
Солди каманд бўйнума икки қулочин.*

Лутфий


*Сайд этти дилбарим мени ошуфта сочтин,
Солди каманд бўйнума икки қулочин.*

*Ҳуснинг чогинда то не адабсизлик этти гул,
Ким, юзуни қонатти сабо захми кожтин.*

*Қандин тенг ўлсун ул шакар ирнинг била набот?
Маълум эрур тафовути икки йигочтин.*

*Гар шона урса зулфунга машшотаи насим,
Чиқгай ҳазор ҳалқа кўнгул текма сочтин.*

*Тўйғунча қўй юзунг сари Лутфийни боққали,
Неъматни бой киши аямас чунки очтин.*





“Лайли ва Мажнун”ни ёзиб битирган Алишер Навоий “Хамса”нинг тўртинчи достонини яратишга кириши. Тўрт ой давомидаги ижодий меҳнат самараси ила уни 1484 йилда ёзиб тутатди. Асарга “Сабъаи сайёр” (“Етти сайёр”) деб ном берди.

Чунки қойил етти мусофири эди,
Ки алшар саир ишига моҳир эди,
Бўйди чун бу рақам иши тайёр,
Кўйдум отини “Сабъаи сайёр”

«Лутф бу — наzm аро багоятдур...»

“Сабъаи сайёр” ишқий-саргузашт достон. У ўзининг композицияси билан “Хамса”нинг бошқа достонларидан фарқ қиласи. Достон халқ оғзаки ижодида бўлганидек, “ҳикоя ичиди ҳикоя” усулида яратилган. Алишер Навоий бу асарда ҳам сўз кўллаш бадиий маҳоратини олий даражада намойиш эта олди.

Достон ҳақида қатор илмий-тадқиқот ишлари яратилгани маълум. Бироқ, асар тилидаги сўзлар жумладан, “Ўзбек классик адабиёти асарлари учун қисқача лугат” ва “Алишер Навоий асарлари лугати” (муаллифлар — Порсо Шамсиев ва Собиржон Иброҳимов), “Алишер Навоий асарлари тилининг изоҳли лугати” ҳамда “Сабъаи сайёр” достони бўйича амалга оширилган баъзи тадқиқот ишларига солиширилганида кўплаб сўзлар уларда қайд этилмаганлиги, сўзларнинг лисоний хусусиятлари атрофлича ўрганилмаганлиги маълум бўлади.

Демак, мавжуд лугатларга кирмай қол-

ган сўзларни аниқлаш, уларнинг маънавий хусусиятларини белгилаш ва тасниф этиш масалаларини ойдинлаштириш ниҳоятда муҳимдир. Илмий назарияларимизга кўра “Сабъаи сайёр” асаридаги янги аниқланган сўзларни асосан, “Алишер Навоий асарлари тилининг изоҳли лугати” (1983—1985)га ва ўрни билан тил тарихи юзасидан амалга оширилган лексик тадқиқот ишларига қўйсладик. Кўйида изоҳтанаётган ана шундай сўзлар намуна сифатида келтирилди:

илтиҳоб — ловиллаб ёниш; иссиқлик, алангалик; шуъланувчи:

*Тиф селобидин бериб бас кин,
Кин ўти илтиҳобига таскин.*

истидомат — бирор нарсанинг давом этишини хоҳлаш, доимо ниманидир хоҳлаш; давомийлик; устуворлик:

*Андин андух ила надомати бор,
Ёки айш ичра истидомати бор.*

кавқабафруз — юлдуздай порлоқ, юлдуздай ялтироқ, юлдуздай нур сочувчи:

*Ҳар лаган дуржси кавқабафрузи,
Кавқаб гавҳари шабафрузи.*

маосий — гуноҳкор, айбор, гуноҳга ботган: Қодиро, ул зафи осиймен

Ки бошимдин-аёқ маосиймен.

мутаол — буюк, улуг, олий, ҳаммадан баланд, ҳаммадан Улуг (Аллоҳнинг сифати); юксаклик, мукаммаллик:

*Аямай андин ээзиди мутаол
Ҳеч ишада камол, хоссаки мол.*

сижоф — парда, ҳарир парда (эшик пардаси): *Хула сандал насими турфа сижоф,
Сар-басар даврасида сандал боф.*

баҳринишин — денгизда яшовчи, денгизда ўтирувчи:

*Ётгач — ўқ музд айлабон таъянин,
Бўлдилар кема ичра баҳринишин.*

биёбонгард — биёбон кезувчи: *Бириси муқబили биёбонгард,
Яна бирни мудбира биҳор навард.*

идмон — берилиш, ишқибозлик:

*Шоҳқим, бир кийикка урди хаданг,
Десам идмони ишга келди батанг.*

жўшкур — алангаланмоқ; пулфамоқ, йўталмоқ: *Субҳдин лек уйла жўшкурди
Ким дамидин ул ўтни совурди.*

дийдабонлик — посбонлик, қоровуллик, назорат қилувчилик, қўриқловчилик; ҳамма ёқ кўринадиган баланд жойда туриб, атрофни кузатиш ва душман келиши билан ўз кўшинига хабар берувчи қоровул, посбон:

*Ки, кишиким қўюб эди Жобир,
Дийдабонликқа ҳар сори нозир.*

Шундай қилиб, “Сабъаи сайёр” асари лисонидаги янги аниқланган сўзлар талқини мумтоз адабиётнинг дурданаларини ўрганишга бўлган қизиқиши янада орттиради, деган умиддамиз.

Манзар АБДУЛХАЙРОВ,
филология фанлари номзоди